**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСТЕТИ**

Ҳимояга <<____________________>>

Кафедра мудири ______________________

<<___>>_______________2011-йил.

# БАКАЛАВР БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: “Маълумотлар базасини ҳимоялаш тизимини яратиш.”

Битирувчи _____ _________________

Раҳбар _____ _________________

Тақризчи _____ _________________

ҲФҲ бўйича
маслаҳатчи ________ _______________

Тошкент – 2011

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСТЕТИ**

Факултет: Фиқҳ, иқтисод ва табиий фанлар

Кафедра: Информатика ва ахборот теҳнологиялари

Йўнлаши: Информатика ва ахборот теҳнологиялари

**<< ТАСДИҚЛАЙМАН >>**

Кафедра мудири ____________________

<<___>>_____________ 2011-йил.

Битирув малакавий ишни бажаришга

**ТОПШИРИҚ**

Сайдалийев Илёс Абдуҳошимович

1. БМИ мавзуси: “Маълумотлар базасини ҳимоялаш тизимини яртиш.”
2. Университет қарори билан тасдиқланган <<__>>__________________
3. Ишни тўлиқ бажариш учун берилган вақт: 2011-йил ____________
4. Ишнинг бошлангъич маълумотлари: Маълумотлар базаси бўйича тушунча ва қоидалар.
5. Ҳисоб–тушунтириш матни мундарижаси(ишни бажаришдаги масалалар рўйхати):

КИРИШ

1. Маълумотлар базасининг яхлитлиги ва хавфсизлиги. Маълумотлар базасининг структураси.

2. Маълумотлар базасини ҳимоялаш тизимини яратиш.

3. Маълумотлар базасини нормаллаштириш.

4. Амалий қисм

5.Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

6.. ХУЛОСА

7. Иловалар: Дастур листинги

8. Топшириқ берилган кун: ___________________________________

Раҳбар ____________________________________________

Топшириқ олди ____________________________________________

9. БМИ нинг ҳар бир бўлимида бажариладиган ишларга маслаҳатлар

| Бўлим | Раҳбар Ф.И.Ш | Имзо вақти | |
|---|---|---|---|
| | | Берди | Топшириқ Олди |
| КИРИШ<br>1. Маълумотлар базасининг яхлитлиги ва хавфсизлиги. Маълумотлар базасининг структураси.<br>2. Маълумотлар базасини ҳимоялаш тизимини яратиш.<br>3. Маълумотлар базасини нормаллаштириш.<br>4. Амалий қисм | | | |

9. Ишни бажариш графиги:

| № | БМИ бўлимларининг Номлари | Бажариш муддати | Бажарилганлиги ҳақида раҳбар имзоси |
|---|---|---|---|
| 1 | КИРИШ<br>Маълумотлар базасининг яхлитлиги ва хавфсизлиги. Маълумотлар базасининг структураси. | | |
| 2 | Маълумотлар базасини ҳимоялаш тизимини яратиш. | | |
| 3 | Маълумотлар базасини нормаллаштириш. | | |
| 4 | Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. | | |

Битирувчи ____________ <<___>>_____________2011-йил.

Раҳбар ________ <<___>>_____________2011-йил.

# Кириш

***“Биз халқимизнинг дунёда***
***ҳеч кимдан кам бўлмаслиги,***
***фарзандларимизнинг биздан***
***кўра кучли, билимли, доно ва***
***албатта бахтли бўлиб яшаши учун***
***бор куч ва имкониятларимизни***
***сафарбар этаётган эканмиз,***
***бу борада маънавий тарбия масаласини***
***ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади”[1].***

**И.Каримов**

*“Ҳар қандай мамлакатнинг кучи унинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади. Салоҳиятга эса турли йўллар билан эришиш мумкин”*-дейди юртбошимиз И.А.Каримов.

Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда бизнинг гуллаб яшнаётган мустақил Республикамизда ҳам шахсан юртбошимиз ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш шу қадар тез амалга оширилмоқдаги, инсон ўз фаолиятида бу қадар юқори кўтаринкиликни қабул қилиши шартлиги давр тақозоси бўлиб қолмоқда. Республикамизда чиқарилган қонун ва фармонлар: Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштриш” тўғрисидаги қонуни, табиий, бугунги кунда мустақил қадам ташлаётган Республикамизда туб ислоҳатларни амалга ошириш, бозор муносабатларини шакллантириш энг аввало инсонда иқтисодий билимга ва янги технологияни хаётга жорий қилишда компьютер технологиясини ўзлаштришга талаб эҳтиёжини уйғотмоқда. Шунинг учун ҳам ёш авлодда

---

[1] И.А.Каримов «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», Т: 1998 й.

иқтисодий тафаккурни шакллантирмасдан туриб чуқур ўзгаришлар қилиб бўлмайди. Шуни назарда тутиб, Ўзбекистонда чуқур, кенг кўламли ислоҳатлар амалга оширилиши учун таълим тизимига (айниқса, янги информацион технологияни ўзлаштиришга) биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Бунинг яққол далили сифатида **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 13 июнда чиқарилган (№1)** қарори **“2001-2005 йиллар давомида компьютер ва ахборот технологияларининг кенг тараққиёти ва халқаро информацион тизим – Интернетга уланиш жараёнини жадаллаштириш дастурининг асосий йўналишлари”**[2] ни келтириш мумкин. Ушбу қарорни ҳаётга тадбиқ этиш борасида келажагимиз билган ёшларни шу йўналиш бўйича янада билимини ошириш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда ахборот ва компьютер технологиялари иборалари кундалик турмушда кенг қўлланиладиган тушунчалар десак, муболаға бўлмайди. Чунки ҳаётнинг қайси соҳасини олмайлик, албатта, ахборотлар билан иш юритамиз, яъни ахборотлардан фойдаланиш, ахборот алмашиш, уларни узатиш, ўзлаштириш инсон фаолиятининг асосий негизини ташкил этади. Шунинг учун ҳам ахборот технологияси жамиятнинг жадал ривожланишига таъсир этувчи энг муҳим омилдир. Ахборот технологияси инсоният тараққиёти турли босқичларида ҳам мавжуд эди, аммо ҳозирги замон ахборотлашган жамиятнинг изига хос хусусияти шундаки, сарфланадиган куч, энергия, хомашъё, материаллар ва моддий истеъмол буюмларига сарфланадиган харажатларидан ортиқ бўлди, яъни ахборот технологиялари мавжуд янги технологиялар орасида етакчи ўринни эгалламоқда. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб ахборотлаштириш соҳаси кескин ривожланиб кетди. Бизнинг асримиз, яъни XXI асрни бежиз ахборотлаштириш ва коммуникация асри деб аташмайди.

---

[2] http//www.press-service.uz – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайти.

1. **Муаммонинг қуйилиши.**

Бу босқичда МБни яратиш учун вазифа шакллантирилади. Унда базанинг таркиби, нима учун ишлатилиши, яратиш мақсади батафсил баён этилади. Шунингдек, ушбу МБда қандай турдаги ишларни бажариш мўлжалланаётганлиги (ташлаш, қўшиш, маълумотларни ўзгартириш, ҳисоботни экранда чиқариш ёки чоп этиш ва ҳоказо) санаб ўтилади.

2. **Объектнинг таҳлили.**

Бу босқичда МБ қандай объектлардан тузилиши мумкинлиги ва уларнинг хусусиятлари, яъни объект қандай параметрлар билан аниқланиши кўриб чиқилади. Барча маълумотларни алоҳида ёзувлар ёки жадваллар кўринишида жойлаштириш мумкин. Шундан сўнг ҳар бир алоҳида ёзув бирлигининг тури (матнли, сонли ва ҳоказо) аниқланади.

3. **Модель синтези.**

Бу босқичда юқоридаги таҳлил асосида МБ модели танланади (Реляцион, иерархик, тармоқли). Ҳар бир моделнинг ютуқлари, камчиликлари аниқланиб, яратилаётган МБнинг 1-босқичда қуйилган талабларга жавоб бериш-бермаслиги, қуйилган масалани ечиш имкониятига эга бўлишлиги кўриб чиқилади. Модель танлангандан сўнг унинг схемаси жадваллар ва тугунлар орасидаги боғланишлар кўрсатилган ҳолда чизиб чиқилади.

4. **Ахборотни тасвирлаш усуллари, дастурий ускуна.**

Модель яратилгандан сўнг дастурий маҳсулотга боғлиқ ҳолда ахборотни тасвирлаш усулини аниқлаб олиш керак. Кўпчилик МББТда маълумотларни икки хил кўринишда сақлаш мумкин:

-шакллардан фойдаланиб;

-шакллардан фойдаланмасдан;

Шакл-фойдаланувчи тамонидан омборга маълумотларни киритиш учун яратилган график интерфейсдир.

5. **Объектнинг компьютер моделининг синтези ва уни яратиш технологияси.**

Танлаб олинган дастурий маҳсулотнинг ускунавий имкониятларини кўриб чиқиб, компьютерда МБни бевосита яратишга киришиш мумкин. МБнинг компьютер моделини яратиш жараёнида ҳар қандай МББТ учун типик бўлган айрим босқичларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) МББТни ишга тушириш, МБнинг янги файлини яратиш ёки олдиндан яратилган омборни очиш.

б) дастлабки жадвални ёки жадвалларни яратиш:

в) экран шаклларини яратиш:

г) МБни тўлдириш.

МБни тўлдириш икки кўринишда олиб борилади: Бунда сонли ва матнли майдонларни жадвал кўринишида, МЕМО ва ОЛЕ туридаги майдонларни шакл кўринишида тўлдириш лозим.

6. **Яратилган МБ билан ишлаш.**

МБ билан ишлаш деганда қуйидаги имкониятлар назарда тутилади:

-керакли ахборотларни излаш;

-маълумотларни сақлаш;

-Маълумотларни танлаб олиш;

-чоп этиш;

-Маълумотларни ўзгартириш ва тўлдириш.

МБ яратиш босқичлари ва унда ишлаш тамойиллари билан қуйида Мисрософт Ассесс  МББТ мисолида танишиб чикамиз.

МББТ билан ишлаганда экранга ишчи майдон ва бошқарув панели чиқарилади.  Бошқарув панели менюси, ёрдамчи бошқарув соҳасини ва ёрдам бериш сатрини ўз ичига олади.  Уларнинг экранда жойлашиши турлича бўлиб, конкрет дастур хусусиятларига боғлиқ.  Айрим МББТлар экранга директивалар ойнасини (буйруқлар ойнасини) ёки буйруқлар сатрини чиқариш имкониятига ҳам эга.

МББТнинг муҳим хусусияти-айрим амалларни бажариш учун оралиқ сақлаш буферидан фойдаланишидир.  Алмашиш буфери нусхалаш ёки кўчириш амалларини бажаришда нусха олинаётган ёки кўчирилаётган маълумотларни вақтинча сақлаб туриш учун  ишлатилади.  Маълумотлар йўқотилгандан сўнг ҳам улар буферга жойлаштирилади ва янги маълумотлар қисми ёзилгунча у ерда сақланиб туради.

МББТ дастурлари етарли сондаги буйруқларга эга бўлиб, уларнинг  ҳар бирида турли параметрлар (опциялар) бўлишин.  Буйруқларнинг бундай тизими қўшимча опциялари билан биргаликда МББТнинг ҳар бир тури учун ўзига хос менюни ташкил этади.  Менюдан бир буйруқни танлаш қуйидаги икки усулдан бири орқали амалга оширилиши мумкин:

-курсорни бошқариш тугмачалари ёрдамида танланган буйруқ устига олиб бориш ва ЕНТЕР  тугмачасини босиш.

-танланган буйруқнинг биринчи харфини клавиатурадан киритиш.

МББТларнинг ўзига хос хусусиятларига қарамасдан, фойдаланувчи ихтиёрига бериладиган буйруқлар тўпламини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

-файллар билан ишлаш буйруқлари;

-таҳрирлаш буйруқлари;

-бичимлаш буйруқлари;

-ойналар билан ишлаш буйруқлари;

-МББТ нинг асосий ҳолатларида (жадвал, шакл, ҳисобот, сўров) ишлаш буйруқлари;

-қўшимча маълумот олиш буйруқлари.

МББТ билан ишлашни қуйидаги унумлашган технология асосида олиб бориш мумкин.

**МБ жадвалларининг тузилмасини яратиш**

МБ нинг янги жадвалини шакиллантириш МББТ билан ишлаган жадвал тузилмасини яратишдан бошланади. Ушбу жараён майдонлар номларини, уларининг турлари ва ўлчамларини аниқлашни ўз ичига олади.

**Маълумотларни киритиш ва таҳрирлаш**

Деярли барча МББТлар жадвалларга маълумотлар киритиш ва уларни таҳрирлашга имкон беради. Бу ишларни икки усулда бажариш мумкин:

-жадвал кўринишда таклиф этиладиган стандарт шакллар ёрдамида;

-фойдаланувчи томонидан махсус яратилган экранли шакллар ёрдамида.

**Жадвалдаги маълумотларга ишлов бериш**

МБ жадвалларидаги маълумотларга сўровларни ишлатиш йўли билан ёки махсус ишлаб чикилган дастўрни бажариш жараёнида ишлов бериш мумкин. «Запрос» (Сўров) деганда ёзувларни танлаш учун бериладиган кўрсатма тушинилади. Сўровни бажариш натижасида вақтга боғлиқ маълумотлар тўплами (динамик тўплам)дан иборат жадвал хосил бўлади. Динамик тўпламнинг ёзувлари бир ёки бир неча жадвалдан иборат майдонларни ўз ичига олиши мумкин. Сўров асосида ҳисобот ёки шаклни тузиш мумкин.

**Модан ахборотни чиқариш**

Хар қандай МББТ компьютер экранига ёки чоп этиш қурилмасига «Таблицы» (Жадваллар) ёки «Формы» (шакллар) ҳолатларидан Модаги маълумотни чиқаришга имкон беради. МББТ билан ишлаётган фойдаланувчи маълумотларни чиқариш учун ҳисоботларни тузишнинг махсус воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга.

## I-Боб. Маълумотлар базасининг яхлитлиги ва хавфсизлиги.

1. Маълумотлар базасининг структураси.
2. Маълумотлар билан иш юритиш.
3. Маълумотлар базаси фойдаланувчилари.

Мамлакатимиз миллий иқтисодининг ҳеч бир тармоғи самарали ва мўтадил ташкил қилинган МБ инфратузилмасисиз фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Ҳозирги кунда миллий МБ ресурслари ҳар бир давлатнинг иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятини ташкил қилувчи омилларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ресурсдан самарали фойдаланиш мамлакат хавфсизлигини ва демократик ахборотлашган жамиятни муваффақиятли шакллантиришни таъминлайди. Бундай жамиятда ахборот алмашуви тезлиги юксалади, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш бўйича илғор ахборот – коммуникатсиялар технологияларини қўллаш кенгаяди. Турли хилдаги ахборотлар ҳудудий жойлашишидан қатъий назар бизнинг кундалик ҳаётимизга Интернет ҳалқаро компютер тармоғи орқали кириб келди. Ахборотлашган жамият шу компютер тармоғи орқали тезлик билан шаклланиб бормоқда. Ахборотлар дунёсига саёҳат қилишда давлат чегаралари деган тушунча йўқолиб бормоқда. Жаҳон компютер тармоғи давлат бошқарувини тубдан ўзгартирмоқда, яъни давлат ахборотларнинг тарқалиши механизмини бошқара олмай қолмоқда. Шунинг учун ҳам мавжуд ахборотларга ноқонуний кириш, улардан фойдаланиш ва йўқотиш каби муаммолар долзарб бўлиб қолди. Буларнинг бари шахс, жамият ва давлатнинг МБ хавфсизлиги даражасининг пасайишига олиб келмоқда. Давлатнинг МБ хавфсизлигини таъминлаш муаммоси миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий ва ажралмас қисми бўлиб, МБ ҳимояси эса давлатнинг бирламчи масалаларига айланмоқда.

**Структуралаш**-бу объектлар ва маълумотларнинг ўзаро боғланиши тасвирлаш усуллари ҳақидаги келишувни киритишдир.

структураланмаган маълумотлар.

Шахсий иш №16493; Алиев Карим Эргашевич; туғилган сана 1 январь 1979 йил; Шахсий иш №16498; Бокиев Дилмурод Рахматуллаевич; туғилган сана 5 декабрь 1985 йил; Шахсий иш №16595; Зокиров Анвар Рашидович; туғилган сана 15 май 1984 йил.

2-мисол: структураланган маълумотлар.

| Шахсий иши № | Фамилияси | Исми | Отасининг исми | Туғилган сана |
|---|---|---|---|---|
| 16493 | Алиев | Карим | Эргашевич | 01. 01. 79 |
| 16498 | бокиев | Дилмурод | Рахматуллаевич | 05. 12. 85 |
| 16595 | Зокиров | Анвар | Рашидович | 15. 05. 84 |

Замонавий МБ технологиясида МБни яратиш, унга хизмат кўрсатиш ва фойдаланувчиларни МБ билан ишлашига имкон яратиш махсус дастурий ускуналар ёрдамида амалга оширилади. Бундай дастурий ускуналар ёрдамида амалга оширилади. Бундай дастурий ускуналар мажмуаси Маълумотлар базасини бошқариш тизимлари (МББТ) деб аталади.

МББТ-МБни яратиш, уни долзарб ҳолатда ушлаб туриш, керакли ахборотни топишни ташкил этиш ва бошқа хизмат кўрсатиш учун зарур бўладиган дастурий ва тил воситалари мажмуасидир.

МББТ мисоли сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

-DBASE дастури;

-MYSQL;

- Microsoft Fox Pro For DOC;

- Microsoft Fox Pro For  WINDOWS;

- Paradox for WINDOWS.

**MySQL** (ўқилиши “Май эс кю эл”). Реляционал маълумотлар базасини бошқариш системаси. Турли операцион системаларда қўлланишга мослаштирилган Open-Source-маҳсулот бўлиб, кўпчилик динамик web-саҳифалар учун асос ҳисобланадиі. MySQL Швециядаги MySQL AB фирмаси томонидан яратилган бўлиб, 2008 йилнинг февралида Sun Microsystems томонидан олинган. Эндиликда дастур кодини яратишда ушбу фирма жавобгар. MySQL Server очиқ, яъни текин дастурий таъминот бўлиб,  General Public License ҳимоясидадир. MySQL AB/Sun фирмаси дастур кодига муаллифлик ҳуқуқига эгалики сабабли, ушбу дастурий таъминотнинг коммерзиал тури ҳам бор. MySQL номининг келиб чиқиши анифқ эмас. 1996 йилдан бери кўплаб библиотека ва tool (восита)лар номи олдида My prefikси қўйила бошлаган. Бъази маълумотларга кўра эса фирмани ташкил қилганлардан бири ҳисобланувчи Monty Wideniusнинг қизи исмидан ва SQL, яъни Structured Query Language (Структуравий сўровлар тили) бирикмасидан ташкил топган. Unix, MacOS X ва Linixдан ташқари, MySQL Windows, OS/2 ва i5/OS (аввалги OS/400) учун ҳам мослаштирилган Windows учун эса баъзида айрим чекланишлар учрайди. MySQl кўпинча web-servis учун маълумотларни сақлашда қўлланилади, webserver Apache ва PHP билан биргаликда ишлатилади. MySQL ҳозирда 6.000.000 дан ортиқ фойдаланувчилар ва кунига 35.000 дан ортиқ download қилинадиган дунёнинг машҳур маълумотларни бошқариш системасидир.

МБ билан ишлашга киришишдан олдин маълумотларни тасвирлаш моделини танлаб олиш керак.  У қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

-ахборотни кургазмали тасвирлаш;

-Ахборотни киритишда соддалаш;

-ахборотни излаш ва танлашда қулайлик;

-бошқа омборга киритилган маълумотдан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги;

-МБнинг очиклигини таъминлаш (янги маълумотлар ва майдонлар қўшиш, уларни олиб ташлаш имкониятлари ва ҳоказо).

МБ битта ёки бир неча моделларга асосланган бўлиши мумкин. Хар қандай моделга ўзининг хоссалари (параметрлари) билан тавсифланувчи объект сифатида караш мумкин. Шундай объект устида бирор амал (иш) бажарса бўлади. МБ моделларининг учта асосий турлари мавжуд:

Реляцион, иерархик ва семантик тармоқ.

Реляцион (лотин тилидаги релатио-муносабат сўзидан олинган) моделда маълумотларни сақлаш уни ташкил этувчи қисмлари орасидаги муносабатларга асосланган. Энг содда ҳолда у икки ўлчовли массив ёки жадвалдан иборат бўлади. Мураккаб ахборот моделлари ана шундай жадвалларнинг ўзаро боғланган тўпламидан иборат.

МБнинг иерархик модели пастки поғонадаги юқори поғонадагига бўйсиниш тартибида жойлашган элементлар тўпламидан иборат бўлади ва ағдарилган дарахт(граф)ни ташкил этади. Ушбу модель сатҳ, тугун, боғланиш каби параметрлар билан тавсифланади. Унинг ишлаш тамойили шундайки, қуйи сатҳдаги бир неча тугунлар боғланиш ёрдамида юқорироқ сатҳдаги битта тугун билан боғланган бўлади. Тугун - бу иерархиянинг берилган сатҳида жойлашган элементнинг ахборот моделидир.

МБнинг семантиқ тармоқ модели иерархик моделга ўхшашдир. У хам тугун, сатҳ, боғланиш каби асосий параметрларга эга. Лекин семантиқ

тармоқ моделида турли сатҳдаги элементлар орқали «эркин», яъни «ҳар бири хамма билан» маъноли боғланиш қабул қилинган.

Кўпчилик МБлар жадвал тузилмасига эга. Унда маълумотлар адреси сатр ва устунлар кесишмаси билан аниқланади. МБда устунлар-майдонлар, сатрлар эса ёзувлар деб аталади. Майдонлар МБнинг тузилмасини, ёзувлар эса, унда жойлашган маълумотларни ташкил этади.

Майдонлар-МБ тузилмасининг асосий элементларидир. Улар маълум хусусиятларга эга бўладилар. Ҳар қандай майдоннинг асосий хусусияти унинг ўзунлигидир. Майдон ўзунлиги ундаги белгилар сони билан ифодаланади.

Майдоннинг яна бир хусусияти, унинг номидир. Майдонда унинг номидан ташқари яна имзо  хусусияти ҳам мавжуд. Имзо-устуннинг сарлавҳасида акс эттириладиган ахборотдир. Уни майдон номи билан аралаштириб юбормаслик лозим. Агар имзо берилмаган бўлса сарлавҳада майдон номи ёзиб қуйилади. турли типдаги майдонлар турли мақсадларда ишлатилади ва турли хоссаларга эга бўлади.

Майдонларнинг хусусияти билан танишиб чикамиз:

1. Оддий матн майдони.  Белгилар сони 255 дан ошмаслиги керак.

2. МЕМО-катта ўлчамли матн майдони. Белгилар сони 65535дан ошмаслиги шарт. Оддий матн ва МЕМО майдонида ҳисоб ишларини бажариб бўлмайди.

3. Сонли майдон. Сонли маълумотларни киритишга хизмат қилади ва ҳисоб ишларини бажаришда фойдаланилади. Бу майдон 1,2,4,8 ва 16 байтли бўлиши мумкин.

4. Сана ва вақт майдони.  Бу майдон сана ва вақтни бичимланган ҳолда сақлаб қуйиш имконини беради (01. 06. 01 20:29:59). 8 байт ўлчамга эга.

5. «Пул бирлиги» номи билан аталувчи майдон. Бу майдондан ҳисоб китоб ишларини юритишда фойдаланилади.

6. Ҳисоблагич майдони. Бу майдон 4 байт ўзунликка ва автоматик равишда маълум сонга ошиб бориш хусусиятига эга. Ушбу майдондан ёзувларни номерлашда фойдаланиш қулайдир.

7. Мантиқий амал натижасини сақловчи майдон. Бу майдон «рост» (tpue) ёки «ёлғон» (false) қийматни сақлайди. Майдон ўлчами 1байт.

8. ОЛЕ-номи билан юритувчи майдон. Бу майдон Excel жадвалини, Word хужжатини, расм, овоз ва бошқа шу каби маълумотларни иккилик санок системасида сақлайди.  Майдон ўлчами 1Гбайтгача.

9. Гиперссилка майдони. Бу майдон белги ва сонлардан иборат бўлиб, бирор файл ёки сайтга йўл кўрсатади.

10. Қийматлар рўйхатидан иборат бўлган майдон. Бу майдон бир қанча қийматлардан иборат бўлган рўйхатдан танланган аниқ бир қийматни сақлайди.

Жадваллар орасидаги муносабатлар ишончли ишлаши ва бир жадвалдаги ёзув орқали иккинчи жадвалдаги ёзувни топиш учун жадвалда алоҳида майдон-уникал майдон бўлишини таъминлаш керак.

Уникал майдон-бу қийматлари такролланмайдиган майдондир.

Мисол сифатида талабалар ҳақидаги маълумотларни сақловчи маълумотлар базасининг бир қисмини келтирамиз.

| Майдон номи | Майдон хусусияти | Майдон хажми |
|---|---|---|
| Талабанинг омбордаги ўрни | Ҳисоблагич майдони | 4 байт |
| Талаба Ф. И. Ш. | Оддий матнли майдон | 255 белги |

| | | |
|---|---|---|
| Талабанинг туғилган жойи ҳақида | Оддий матнли майдон | 255 белги |
| Талабанинг туғилган куни | Сана ва вақт майдони | 8 байт |
| ………………………… | ……………………… | |
| Талабанинг курси | Қийматлар рўйхатидан иборат бўлган майдон | |
| Талабанинг расми | ОЛЕ-номи билан юритилувчи майдон. | 1Г байт |
| Талаба ҳақида қўшимча маълумотлар | МЕМО-катта ўлчамли матн майдони | 65535 белги |

**Маълумотларнинг иерархик структураси**

Иерархик МБ тартибланган дарахтлар тўпламидан тузилади. Янада анирои бир хил турдаги дарахтларнинг бир неча тартибланган нусхалари тўпламидан ибират бўлади. Дарахт тури битта “илдизли” тур ёзувидан ва тартибланган битта ёки бир неча дарахт ости турлардан (улар ар бири дарахтнинг туридир) ташкил топган бўлади. Дарахт тури умуман олганда иерархир равишда ташкил топган ёзувлар турлари тўпламидани тасвирлайди.

Дарахт турига мисол (МБнинг иерархик схемаси):



Бу ерда “Начальник” ва “Сотрудники” учун “Отдел” олдингиси болиб, “Начальник” ва “Сотрудники” еса “Отдел” давомчиларидир. Ёзувлар турлари орасида алоа увватланади.

Бундай схемадаги маълумотлар базаси уйидаги кўринишда тасвирланади (биз дарахтнинг битта нусхасини кўрсатаяпмиз):




Барча давомчи турдаги нусхалар олдинги турдаги умумий нусхалар билан яин, яъни егизак (близнецами) дейилади. МБ учун тўли пастдан – юорига, чапдан-пастга ўтиш тартиби (ўрнатилган) аниланган.

ИМС да оригинал ва стандарт бўлмаган терминлар ишлатилган: "сегмент" бирга "запись", ҳамда "записью БД" тушунчасида барча дарахтлар сигменти тушунилади.

**Маълумотлар устига иш юритиш**

Иерархик ташкил қилинган маълумотлар билан иш юритишга қуйидаги операторларни мисол тариқасида намуна қилиб олиш мумкин:

- ✓ МБ кўрсатилган дарахтини топиш;
- ✓ Бир дарахтдан иккинчисига ўтиш;
- ✓ Битта ёзувдан бошқа дарахт ичига кириш (масалан, бўлимдан – биринчи ходимга);
- ✓ Битта ёзувдан иерархия тартибида бошқасига ўтиш;
- ✓ Янги ёзувни кўрсатилган позитсияга қўйиш;
- ✓ Жорий ёзувни ўчириш;
- ✓ Бутунликни чегаралаш.

Авлод ва аждодлар ўртасидаги мурожаатлар яхлитлиги автоматик тарзда ўллаб-кувватланади. Асосий оидалар: ҳеч бир авлод ўз ота-онасисиз яшай олмайди. Шуни таъкидлаймизки, шунга ўхшаш бир ийерархияга кирувчи ёзувлар орасидаги мурожаатлар яҳлитлигини қўллаб бўлмайди (бундай ташқи мурожаатниниг мисоли сифатида суратор туридаги Каф.номери майдонининг ёзувлари бўлиши мумкин )

Иерархик системаларда МБ намоиш етилган айрим форма қўлланади, иерархияга қўйилган чеклашлар асосида. Юқорида келтирилган МБ намойиши сифатида қуйидаги ийерархия бўлиши мумкин




**Тармоқлар тизими**

Бу тизимнимг типик вакили Куллинет Софтве, Инк компаниясига қарашли Integrated Database Management System (IDMS) тизимидир. Бу тизим кўпчилик оператсион тизим бошаишида IBM фирмаси клас машиналарини ишлатиш учун мўлжалланган. Тизимнинг архитектураси Integrated Database Management System (IDMS) дастурлаш тили бўйича комитетнинг Konferenk on Data Systems Languages (KDASYL) ташкилоти таклифига асоланган. Бу ташкилот Кобол дастурлаш тилинига маъсулдир. DBTG ҳисоботи 1971 йил босилиб чиди. 1970 йиллар бир неча тизимлар яратилди, улар орасида IDMS ҳам бор.

**Маълумотларнинг тармоқли структураси**

Маъумотларни ташкил қилишга бўлган тармоқли ёндашиш иерархик кенгайтмали бўлади. Иерархик структурали ёзув – авлод битта аждодда аниқ

бўлиши керак. Маълумотларнинг тармоқли структурасида еса авлодлар аждодларда исталган сонда бўлиши мумкин.

Тармоқли МБда ёзувлар тўплами ва улар орасидаги алоқалар тўпламини ташкил қилади, яъни янада аниқроғи МБ структурасининг ҳар бир типидаги нусхалар тўпламидаги ёзувлар тури тўплами ва берилган алоқа турлари тўпламидаги ҳар бир турдаги нусхалар тўпламуни ташкил қилади.

Алоқа тури икки хил турдаги ёзувлар учун аниқланади: аждод ва авлод. Алоқа тури нусхаси аждод ёзув турининг битта нусхаси ва авлод ёзув тури тартибланган нусхалар тўпламидан ташкил топади. П аждод ёзув тури ва С авлод ёзув тури билан берилган Л алоқа тури учун қуйидаги икки шарт бажарилиши керак:

- ✓ ҳар бир Р турдаги эгземпляр (нусха) фақат бир кўринишдаги Л нинг аждоди ҳисобланади;
- ✓ ҳар бир С кўринишдаги нусха биттадан ортиқ бўлмаган Л кўринишнинг авлоди ҳисобланади.

МБ тармоқли схемасига оддий мисол:




**Маълумотлар билан иш юритиш (Манипулятсия қилиш)**

Тахминий оператсиялар тўплами қуйидагилар бўлиши мумкин:

- ✓ Тўпламда бир хил турли ёзувларда аниқ ёзувни топиш;
- ✓ Перейти от предка к первому потомку по некоторой связи;
- ✓ Перейти к следуюему потомку в некоторой связи;

- ✓ Перейти от потомка к предку по некоторой связи;
- ✓ Янги ёзув тузиш;
- ✓ Ёзувни йўқатиш;
- ✓ Ёзувни модификатсиялаш;
- ✓ Алоқага чиқиш (уланиш);
- ✓ Алоқадан ўчирилиш;
- ✓ Бошқа алоқада чиқиш ва бошқа.

**Бутунликка чеклашлар**

Қувватлаш талаб етилмайди, лекин айрим ҳолларда бутунлик мурожаат бўйича талаб қилинади (худди ирархик моделдагига ўхшаб).

**Олдинга МББТнинг кучли жойлари:**

- ✓ Пастки даражада ташқи хотира билан маълумотларни бошқариш воситалари ривожлантирилган;
- ✓ Еффектив амалий тизимлар имкониятлари қурилган;
- ✓ Объектларни бўлиш ҳисобига хотирани тежаш имконияти яратилган (тармоқ тизимида).

**Камчиликлар:**

- ✓ Фойдаланиш жуда мураккаб;
- ✓ Физик ташкил этиш ҳақида фактик билим керак;
- ✓ Амалий тизимлар бу ташкил қилишга боғлиқ;

МБ киришни ташкиллаштириш мантиқий бўлаклар билан тўлдирилган.

Ҳозирги кунда хавфсизликнинг бир қанча йўналишларини қайд этиш мумкин.

Маълумотнинг муҳимлик даражаси қадим замонлардан маълум. Шунинг учун ҳам қадимда маълумотни ҳимоялаш учун турли хил усуллар қўлланилган. Улардан бири – сирли ёзувдир. Ундаги хабарни хабар юборилган манзил эгасидан бошқа шахс ўқий олмаган. Асрлар давомида бу санъат – сирли ёзув жамиятнинг юқори табақалари, давлатнинг элчихона

резидентсиялари ва разведка миссияларидан ташқарига чиқмаган. Фақат бир неча ўн йил олдин ҳамма нарса тубдан ўзгарди, яъни маълумот ўз қийматига эга бўлди ва кенг тарқаладиган маҳсулотга айланди. Уни эндиликда ишлаб чиқарадилар, сақлайдилар, узатишади, сотадилар ва сотиб оладилар. Булардан ташқари уни ўғирлайдилар, бузиб талқин этадилар ва сохталаштирадилар. Шундай қилиб, маълумотни ҳимоялаш зарурияти туғилади. ахборотни қайта ишлаш саноатининг пайдо бўлиши маълумотни ҳимоялаш саноатининг пайдо бўлишига олиб келади.

**Иқтисодий хавфсизлик.** Миллий иқтисодда ахборотларни яратиш, тарқатиш, қайта ишлаш ва фойдаланиш жараёни ҳамда воситаларини қамраб олган янги тармоқ вужудга келди. «Миллий ахборот ресурси» тушунчаси янги иқтисодий категория бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатнинг ахборот ресурсларига келтирилаётган зарар ахборот хавфсизлигига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатимизда ахборотлашган жамиятни шакллантириш ва унинг асосида жаҳон ягона ахборот майдонига кириб бориш натижасида миллий иқтисодимизга турли хилдаги зарарлар келтириш хавфи пайдо бўлмоқда.

**Мудофаа хавфсизлиги.** Мудофаа соҳасида хавфсизликнинг асосий объектларидан бўлиб, мамлакатнинг мудофаа потенсиалининг ахборот таркиби ва ахборот ресурслари ҳисобланмоқда. Ҳозирги кунда барча замонавий қуроллар ва ҳарбий техникалар жуда ҳам компютерлаштирилиб юборилди. Шунинг учун ҳам уларга ахборот қуролларини қўллаш еҳтимоли катта.

**Ижтимоий хавфсизлик.** Замонавий ахборот – коммуникатсиялар технологияларининг миллий иқтисод барча тармоқларида кенг қўлланиши инсон психологияси ва жамоа онгига «яширин» таъсир ко`рсатиш воситаларининг самарадорлигини юксалтириб юборди.

**Екологик хавфсизлик.** Екологик хавфсизлик – глобал масштабдаги муаммодир. «Екологик тоза», енергия ва ресурс тежайдиган, чиқиндисиз технологияларга ўтиш фақат миллий иқтисодни ахборотлаштириш ҳисобига қайта қуриш асосидагина йўлга қўйиш мумкин.

Автоматлаштирилтан маълумот тизимларида маълумотлар ўзининг ҳаётий даврига эга бўлади. Бу давр уни яратиш, ундан фойдаланиш ва керак бўлмаганда йўқотишдан иборатдир.

Маълумотлар ҳаётий даврининг ҳар бир босқичида уларнинг ҳимояланганлик даражаси турлича баҳоланади.

Махфий ва қимматбаҳо маълумотларга рухсатсиз киришдан ҳимоялаш энг муҳим вазифалардан бири саналади. Компютер эгалари ва фойдаланувчиларнинг мулки ҳуқуқларини ҳимоялаш - бу ишлаб чиқарилаётган маълумотларни жиддий иқтисодий ва бошқа моддий ҳамда номоддий зарарлар келтириши мумкин бўлган турли киришлар ва ўғирлашлардан ҳимоялашдир.

**Маълумот хавфсизлиги** деб, маълумотларни йўқотиш ва ўзгартиришга йўналтирилган табиий ёки сунъий хоссали тасодифий ва қасддан таъсирлардан ҳар қандай ташувчиларда МБнинг ҳимояланганлигига айтилади.

Илгариги хавф фақатгина конфидентсиал (махфий) хабарлар ва ҳужжатларни ўғирлаш ёки нусха олишдан иборат бўлса, ҳозирги пайтдаги хавф эса компютер маълумотлари тўплами, электрон маълумотлар, электрон массивлардан уларнинг эгасидан рухсат сўрамасдан фойдаланишдир. Булардан ташқари, бу ҳаракатлардан моддий фойда олишга интилиш ҳам ривожланди.

**Маълумотнинг ҳимояси** деб, бошқариш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг маълумот хавфсизлигини таъминловчи ва ташкилот

маълумотлар захираларининг яхлитлилиги, ишончлилиги, фойдаланиш осонлиги ва махфийлигини таъминловчи қатъий регламентланган динамик технологик жараёнга айтилади.

Маълумотнинг эгасига, фойдаланувчисига ва бошқа шахсга зарар етказмоқчи бўлган ноҳуқуқий муомаладан ҳар қандай ҳужжатлаштирилган, яъни идентификатсия қилиш имконини берувчи реквизитлари қўйилган ҳолда моддий жисмда қайд этилган маълумот ҳимояланиши керак.

Маълумот хавфсизлиги нуқтаи назаридан маълумотни қуйидагича туркумлаш мумкин:

• **махфийлик** — аниқ бир маълумотга фақат тегишли шахслар доирасигина кириши мумкинлиги, яъни фойдаланилиши қонуний ҳужжатларга мувофиқ чеклаб қўйилиб, ҳужжатлаштирилганлиги кафолати. Бу банднинг бузилиши ўғирлик ёки маълумотни ошкор қилиш, дейилади;

• **конфидентсиаллик** — иншончлилиги, тарқатилиши мумкин эмаслиги, махфийлиги кафолати;

• **яхлитлик** — маълумот бошланғич кўринишда эканлиги, яъни уни сақлаш ва узатишда рухсат этилмаган ўзгаришлар қилинмаганлиги кафолати; бу банднинг бузилиши маълумотни сохталаштириш дейилади;

• **аутентификатсия** — маълумот заҳираси эгаси деб эълон қилинган шахс ҳақиқатан ҳам маълумотнинг эгаси эканлигига бериладиган кафолат; бу банднинг бузилиши хабар муаллифини сохталаштириш дейилади;

• **апеллятсия қилишлик** — етарлича мураккаб категория, лекин электрон бизнесда кенг қўлланилади. Керак бўлганда хабарнинг муаллифи кимлигини исботлаш мумкинлиги кафолати.

Юқоридагидек, маълумот тизимига нисбатан қуйидагича таснифни келтириш мумкин:

• **ишончлилик** — тизим меъёрий ва ғайри табиий ҳолларда режалаштирилганидек ўзини тутишлик кафолати;

• **аниқлилик** — ҳамма буйруқларни аниқ ва тўлиқ бажариш кафолати;

• **тизимга киришни назорат қилиш —** турли шахс гурухлари маълумот манбаларига ҳар хил киришга эгалиги ва бундай киришга чеклашлар доим бажарилишлик кафолати;

• **назорат қилиниши** — исталган пайтда дастур мажмуасининг хохлаган кисмини тўлиқ текшириш мумкинлиги кафолати;

• **идентификатсиялашни назорат қилиш** — ҳозир тизимга уланган мижоз аниқ ўзини ким деб атаган бўлса, аниқ ўша эканлигининг кафолати;

• **қасддан бузилишларга тўсқинлик** — олдиндан келишилган меъёрлар чегарасида қасддан хато киритилган маълумотларга нисбатан тизимнинг олдиндан келишилган ҳолда ўзини тутиши.

Маълумотни ҳимоялашнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- маълумотнинг келишувсиз чиқиб кетиши, ўғирланиши, юқотилиши, ўзгартирилиши, сохталаштирилишларнинг олдини олиш;

- шахс, жамият, давлат хавфсизлилигига бўлган хавф – хатарнинг олдини олиш;

- маълумотни йўқ қилиш, ўзгартириш, сохталаштириш, нусха кўчириш, тусиқлаш бўйича рухсат этилмаган ҳаракатларнинг олдини олиш;

- ҳужжатлаштирилган маълумотнинг миқдори сифатида ҳуқуқий тартибини таъминловчи, маълумот захираси ва маълумот тизимига ҳар қандай ноқонуний аралашувларнинг кўринишларининг олдини олиш;

- маълумот тизимида мавжуд бўлган шахсий маълумотларнинг шахсий махфийлигини ва конфидентсиаллигини сақловчи фуқароларнинг

конститутсион ҳуқуқларини ҳимоялаш;

- давлат сирини, қонунчиликка мос ҳужжатлаштирилган маълумотнинг конфидентсиаллигини сақлаш;

- маълумот тизимлари, технологиялари ва уларни таъминловчи воситаларни яратиш, ишлаб чиқиш ва қўллашда субъектларнинг ҳуқуқларини таъминлаш.

**Маълумотларга нисбатан хавф-хатарлар таснифи**

Илмий ва Амалий текширишлар натижаларини умумлаштириш натижасида маълумотларга нисбатан хавф хатарларни қуйидагича таснифлаш мумкин.

Хавфсизлик сиёсатининг энг асосий вазифаларидан бири ҳимоя тизимида потентсиал хавфли жойларни қидириб топиш ва уларни бартараф этиш ҳисобланади.

Текширишлар шуни кўрсатадики, тармоқдаги энг катта хавфлар — бу рухсатсиз киришга мўлжалланган махсус дастурлар, компютер вируслари ва дастурнинг ичига жойлаштирилган махсус кодлар бўлиб, улар компютер тармоқларининг барча объектлари учун катта хавф туғдиради.

**Тармоқ хавфсизлигини назорат қилиш воситалари**

Замонавий ахборот - коммуникатсиялар технологияларининг ютуқлари ҳимоя услубларининг бир қатор зарурий инструментал воситаларини яратиш имконини берди.

**Маълумотларни ҳимояловчи инструментал воситалар** деганда дастурлаш, дастурий – аппаратли ва аппаратли воситалар тушунилади. Уларнинг функсионал тўлдирилиши хавфсизлик хизматлари олдига қўйилган маълумотларни ҳимоялаш масалаларини ечишда самаралидир. Ҳозирги кунда тармоқ хавфсизлигини назорат қилиш техник воситаларининг жуда

кенг спектри ишлаб чиқарилган.

Кенг маънода Маълумотлар базаси (МБ) деганда реал дунёнинг конкрет объектлари ҳақидаги маълумотлар тўпламини тушиниш мумкин. Лекин маълумотлар хажми ошиб бориши билан бу масалаларни хал этиш мураккаблашади. Юзага келган муаммо объект ва маълумотларни структуралаш, яъни тизимга солиш йўли билан хал килинади. Объект-бу мавжуд ва фарқланиши мумкин бўлган нарсадир. Объектларга тегишли бир қатор маълумотлар борки, уларнинг тўплами МБ бўлади. Масалан, хар бир академик-лицей ёки касб-ҳунар коллежи-бу объектлар бўлса, улардаги ўқувчилар ҳақидаги маълумотлар тўплами МБга мисол бўлади.

Хар қандай жиддий МБнинг яратилиши унинг лойиҳасини тузишдан бошланади. МБ лойиҳаловчисининг асосий вазифаси объектлар ва уларни тавсифловчи параметрларни танлаш, маълумотлар орасидаги маълумотларни ўрнатишдан иборат.

МБни яратиш жараёнида, фойдаланувчи маълумотларни турли белгилар бўйича тартиблашга ва белгиларнинг турли бирикмалари бўйича зарур маълумотларни (танланмани) тез топиш учун имкониятлар яратилишига ҳаракат қилади. Бу ишларни маълумотлар структураланган (тузилмаланган) бўлгандагина бажариш мумкин.

## II-Боб. Маълумотлар базасини ҳимоялаш тизимини яратиш

### Маълумотлар моделлари ва фойдаланувчилар турлари. Маълумотлар базасини лойихаштириш боскичлари.

1. Маълумотлар моделлари ва фойдаланувчилар турлари
2. Маълумотлар базасини лойихаштириш боскичлари.
3. “Кутубхона” маълумотлар базасини лойиҳалаш.

Реляцион (лотин тилидаги relatio-муносабат сўзидан олинган) моделда маълумотларни сақлаш уни ташкил этувчи қисмлари орасидаги муносабатларга асосланган. Энг содда ҳолда у икки ўлчовли массив ёки жадвалдан иборат бўлади. Мураккаб ахборот моделлари ана шундай жадвалларнинг ўзаро боғланган тўпламидан иборат.

МБнинг иерархик модели пастки поғонадаги юқори поғонадагига бўйсиниш тартибида жойлашган элементлар тўпламидан иборат бўлади ва ағдарилган дарахт (граф)ни ташкил этади. Ушбу модель сатҳ, тугун, боғланиш каби параметрлар билан тавсифланади. Унинг ишлаш тамойили шундайки, қуйи сатҳдаги бир неча тугунлар боғланиш ёрдамида юқорироқ сатҳдаги битта тугун билан боғланган бўлади. Тугун - бу иерархиянинг берилган сатҳида жойлашган элементнинг ахборот моделидир.

МБнинг семантик тармоқ модели иерархик моделга ўхшашдир. У хам тугун, сатҳ, боғланиш каби асосий параметрларга эга. Лекин семантиқ тармоқ моделида турли сатҳдаги элементлар орқали «эркин», яъни «ҳар бири хамма билан» маъноли боғланиш қабул қилинган.

Кўпчилик МБлар жадвал тузилмасига эга. Унда маълумотлар адреси сатр ва устунлар кесишмаси билан аниқланади. МБда устунлар-майдонлар, сатрлар эса ёзувлар деб аталади. Майдонлар МБнинг тузилмасини, ёзувлар эса, унда жойлашган маълумотларни ташкил этади.

Майдонлар-МБ тузилмасининг асосий элементларидир. Улар маълум хусусиятларга эга бўладилар. Ҳар қандай майдоннинг асосий хусусияти унинг ўзунлигидир. Майдон ўзунлиги ундаги белгилар сони билан ифодаланади.

Майдоннинг яна бир хусусияти, унинг номидир. Майдонда унинг номидан ташқари яна имзо хусусияти ҳам мавжуд. Имзо-устуннинг сарлавҳасида акс эттириладиган ахборотдир. Уни майдон номи билан аралаштириб юбормаслик лозим. Агар имзо берилмаган бўлса сарлавҳада майдон номи ёзиб қуйилади. турли типдаги майдонлар турли мақсадларда ишлатилади ва турли хоссаларга эга бўлади.

МББТ исталган фойдаланувчига маълумотларга киришга рухсат этади. Бу фойдаланувчилар амалий жиҳатдан ҳеч қандай қуйидаги тасаввурларга эга эмас:

маълумотларнинг хотирада физик жойлашиши ва улар кўриниши;

сўраладиган маълумотларни излаш механизми;

бир хил маълумотларга бир вақтнинг ўзида кўпчилик фойдаланувчилар тамонидан бўладиган сўровлар муаммолари (амалий дастурлар билан);

мумкин бўлмаган ва (ёки) рухсат этилмаган ўзгаришларни киритишдан маълумотларни ҳимоялашни таҳминлаш усуллари;

маълумотлар базасини ва бошқа кўпгина МББТ функцияларини актуал ҳолатини таҳминлаш.

МББТнинг бу асосий функцияларининг бажарилишида ҳар хил турдаги маълумотлар тавсифланади.

Албатта, маҳлумоотлар базасини лойиҳалашни предмет соҳасини таҳлил қилишдан бошлаш ва алоҳида фойдаланувчилар талабларини аниқлаш (маълумотлар базасини тузиш учун, корхона ходимлари) керак.

МБ нинг фойдаланувчилардан сўраб олинган хусусий «кўриниш»лар ва маълумотлар тўғрисидаги ўз «куриниш»лари, кейинги «куриниш»ларда керак булиб қолиши мумкин, бирлаштириб фойдаланувчи аввал яратилаётган МБ умумий ноформал тавсивини яратади. Инсонларга тушинарли бўлган таҳбиий тил, математик формулалар, жадваллар, графиклар ва бошқалар ёрдамида бажарилган бу тавсив маълумотларнинг инфологик модели деб аталади.

Инсонлар учун йўналтирилган бундай модел тўлалигича маълумотларни сақлаш муҳитининг физик параметрларига боғлиқ эмас. Бу муҳит, охир оқибатда, ЭҲМ хотриаси бўлмасдан, балки инсон хотираси бўлиши мумкин. Шунинг учун, инфологик модел бирорта предмет соҳасини акслантириши учун, реал оламдаги ўзгаришлар қандайдир таҳрифни ўзгартиришни талаб қилмаганча, ўзгармаслиги керак.

Расмда кўрсатилган бошқа моделлар компютер учун йўналтирилган хисобланади. Улар ёрдамида МББТ дастурлар ва фойдаланувчиларга сақланаётган маълумотлардан фойдаланиш учун имконият яратади. Бу имконият маълумотларни физик жойлашишини ҳисобга олмасдан, балки дастурлар ва фойдаланувчилар номлари бўйича амалга оширрилади. МББТ керакли маълумотларни ташқи эслаб қолиш қурилмасидан маълумотларнинг физик модели бўйича излайди.

Демак, керакли маълумотлардан фойдаланишга рухсат конкрет МББТ ёрдамида бажарилади. Шунинг учун, маълумотлар модели ушбу МББТ маълумотларни тавсивлаш тилида тавсивлвниши керак бўлади.

Маълумотларнинг инфологик модел бўйича яратиладиган бундай тавсивига маълумотларнинг дата мантиқий модели дейилади.



Предмет соҳа админстратори
Алоҳида фойдаланувчилар
Маҳлумотлар базаси
МАҲЛУМОТЛАНИНГ ИНФОМАНТИКИЙ МОДЕЛИ
Умумлашган, боғланмаган ЭҲМ ва предмет соҳани тасвирловчи МББТ (маҳлумотлар тўплами, улар тури, алоқаси ва бошқа)
МАҲЛУМОТЛАНИНГ ДАТАМАНТИКИЙ МОДЕЛИ
Конкрет МББТ типида тасвирлайди
МАҲЛУМОТЛАРНИНГ ФИЗИК МОДЭЛИ
Сақланадиган маҳлумотлар тасвири
МАҲЛУМОТЛАР БАЗАСИ

Уч даражадаги архитектура (инфомантиқий, датамантиқий ва физик даража) ишлатиладиган дастурдан маълумотларнинг сақланишини боғламасликни тахминлайди. Керак бўлганда сақланаётган маълумотларни бошқа маълумот ташувчиларга ёзиб қўйиш ва (ёки) маълумотларни физик моделини ўзгартиш билан унинг физик струтурасини қайта ташкил этиш мумкин. Тизимда исталган янги фойдаланувчиларни (янги иловалар) қўшиш мумкин. Агар датамантиқий модел керак бўлса уни қўшиш мумкин.

МБ нинг фойдаланувчилардан сўраб олинган хусусий «кўриниш»лар ва маълумотлар тўғрисидаги ўз «куриниш»лари, кейинги «кўриниш»ларда керак булиб қолиши мумкин, бирлаштириб фойдаланувчи аввал яратилаётган МБ умумий нoформал тавсивини яратади. Инсонларга тушинарли бўлган таъбиий тил, математик формулалар, жадваллар, графиклар ва бошқалар ёрдамида бажарилган бу тавсив маълумотларнинг инфологик модели деб аталади.

Инсонлар учун йўналтирилган бундай модел тўлалигича маълумотларни сақлаш муҳитининг физик параметрларига боғлиқ эмас. Бу муҳит, охир оқибатда, ЭҲМ хотриаси бўлмасдан, балки инсон хотираси бўлиши мумкин. Шунинг учун, инфологик модел бирорта предмет соҳасини акслантириши учун, реал оламдаги ўзгаришлар қандайдир таърифни ўзгартиришни талаб қилмаганча, ўзгармаслиги керак.

Расмда кўрсатилган бошқа моделлар компютер учун йўналтирилган хисобланади. Улар ёрдамида МББТ дастурлар ва фойдаланувчиларга сақланаётган маълумотлардан фойдаланиш учун имконият яратади. Бу имконият маълумотларни физик жойлашишини ҳисобга олмасдан, балки дастурлар ва фойдаланувчилар номлари бўйича амалга оширрилади. МББТ керакли маълумотларни ташқи эслаб қолиш қурилмасидан маълумотларнинг физик модели бўйича излайди.

Демак, керакли маълумотлардан фойдаланишга рухсат конкрет МББТ ёрдамида бажарилади. Шунинг учун, маълумотлар модели ушбу МББТ маълумотларни тавсивлаш тилида тавсивлвниши керак бўлади. Маълумотларнинг инфологик модел бўйича яратиладиган бундай тавсивига маълумотларнинг датамантиқий модели дейилади.

**Маълумотлар базасини лойиҳалаш.**

Маълумотлар базасида сақланаётган маълумотлар билан ишловчи самарали иловани ҳосил қилиш учун асосий эътибор маълумотлар базаси структурасини лойиҳалашга қаратилиши керак. Фақат яхши ташкил қилинган маълумотлар структараси :

Оддий ва фойдаланувчига тушунарли бўлган илова билан маълумот киритишни бажариш (амалга ошириш);

Керакли бўлган маълумотни маълумотлар базасидан тез топиш;

Маълумотлар базасини ортиқча ўсиб кетишга олиб келмайдиган кўринишда сақлаш;

Дастур таъминотини ишлаб чиқиш ва кўзатишни соддалаштириш имконини беради.

Реляцион маълумотлар базаси назарияси 70- йиллар бошида муносабатларнинг математик назарияси асосида Кодд томонидан ишлаб чиқилган. Реляцион маълумотлар базасида барча маълумотлар жадвал кўринишида сақланади, бунда барча амаллар жадваллар билан ишлашга келтирилади. Бу назарияда асосий тушунчалар жадвал, муносабат, мисра, устун, калитлардан иборат. Хар қандай маълумотлар базасининг асоси жадваллардир. Жадвал мисралар ва устунлардан ташкил топади ва маълумотлар базасида ноёб номга эга. Маълумотлар базаси, улар ораларидаги боғланиш мос келувчи устма-уст тушувчи) майдонлар ёрдамида

ўрнатиладиган, саноқсиз жадваллардан тузилган. Жадвалларнинг хар бирида қандайдир бирор бир тур (гуруҳ) объектлар тўғрисида маълумот бор.

Маълумотлар базасида жадваллар орасида муносабатлар ўрнатилади. Жадваллар орасидаги муносабатларнинг тўртта тури мавжуд: бир-бирга, бир-кўпга, кўп-бирга, кўп-кўпга.

Реляцион маълумотлар базасини лойиҳалаш масалаларига ўтишдан аввал мумкин бўлган муносабатлар турининг хар бирига батафсилроқ тўхтаймиз.

Бир-бирга муносабатнинг маъноси шуки битта жадвалнинг хар бир ёзуви бошқа жадвалдаги фақат битта ёзувига тўғри келади (мос келади). Мисол учун, агар иккита жадвални кўрадиган бўлсак, улардан бирида корхона ишчилари тўғрисида маълумотлар, иккинчисида эса-профессионал маълумотлар бўлса, у ҳолда бу жадваллар орасида бир-бирга муносабат мавжуд, чунки битта жадвалда маълумоти бўлган одам учун прфессионал маълумотлари бўлган иккинчи жадвалда фақат битта ёзув бўлиши мумкин.

Ҳаммадан кўп учрайдиган маълумотлар базасидаги муносабатлар тури бу бир-кўпга муносабат. Берилган муносабатлар турини кўрсатиш учун, корхона мижозлари ва улар берган буюртмалар тўғрисида маълумотлар бўлган жадвалларга мурожаат қилишимиз мумкин. Бошқа мисоллар сифатида корхона ва унда ишлайдиган мехнаткашлар орасидаги муносабатлар кўрилиши мумкин. Ҳудди шундай муносабатлар компьютер ва унга кирувчи компонентлар орасида мавжуд ва х. к.

Кўп-бирга муносабат аввал кўрилган тур бир-кўпга муносабат билан ўхшаш. Объектлар орасидаги муносабатлар тури сизнинг нуқтаи назарингизга боғлиқ. Мисол, агар сиз қилинган буюртмалар ва мижозлар орасидаги муносабатларни кўрсангиз, у ҳолда кўп-бирга муносабат оласиз.

